

Иқтисодий-хукуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУКУК
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил ишлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

ПАРЛАМЕНТ ХАБАРПАРИ

Давлат бюджетининг ярмидан ортиғи ижтимоий соҳага йўналтирилди

2020 йил 24 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар «2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишида кўриб чиқдилар.

Парламент аъзоларига қонун лойиҳаси билан бирга 2022–2023 йилларда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий ўйнашилари прогноз ҳам тақдим этилди. Улар көлгуси йилда ҳам коронавирус пандемияси давом этиши эҳтимоли борлигидан келиб чиқалантирилди.

Асосий эътибор макроиктисодий барқарорлини сақлаб қолишига қаратилмоқда, яъни ЯИМ ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда, 5,1% миқдорда бўлиши назарда тутилмоқда. Саноат ишлаб чиқариши хажми 5,8%, курилиши 6,5%, кишлоп хўжалиги 2,7% ва хизматлар соҳасида 6,4% кўлпайиши назарда тутилмоқда.

2021 йилда ЯИМ 688,9 трлн сўмни, давлат бюджети даромадлари 147 трлн

сўм ёки ЯИМга нисбатан 21,3% даражасида бўлиши кутилмоқда.

Давлат бюджетининг харажатлари 165,7 трлн сўмни ташкил этади. Бу 2020 йилдагига нисбатан 24%га кўп бўлиб, бунда давлат бюджети харажатларининг ярмидан ортиғи ижтимоий соҳага йўналтирилди.

Қонун лойиҳасида бюджет соҳасига оид қатор ўзгартиришлар назарда тутилмоқда. Ҳусусан, Вазирлар Маҳкамасига коронавирус пандемияси даврида биринчи даражали бюджет маблагларини тақсимловчи учун республика бюджетидан обьектларни лойиҳалаштириш, куриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал кўйилмаларга ажратиладиган маблагларни бошча биринчи даражали бюджет маблагла-



рини тақсимловчига ўтказиш ваколати берилмоқда.

Маҳаллӣ ҳокимликларга юқори турувчи бюджетлардан ажратилиши реjalashchitilgan бюджетлараро трансферлар мидорларини инобатта олиб, тегиши маҳаллӣ бюджетлар лойиҳалари баланслигигина таъминлаган ҳолда навбатдаги йил учун тегиши маҳаллӣ бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар прогностига тенг миқдорда ўзгартиришлар киритиш хукуки тақдим этилмоқда.

Бюджет жараёни шаффофлигини яна-да ошириш мақсадида давлат бюджети ижросига доир маълумотларни вазирlik ва идоралар томонидан ўзларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинмаган тақдирда, тегиши вазирlik ва идора-

ларнинг масъул раҳбар ходимларига жарима кўйлаша тақлиф қилинмоқда.

2021 йилда бюджет харажатларида таълим соҳасида давлат дастурларини амалга ошириш харажатларига салкam 2,2 трлн сўм, шу жумладан илк бор чин етим ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни ўй-жой билан таъминлаш харажатлари учун 30 млрд сўм маблаг ажратиш кўзда тутилмоқда. Нодавлат МТМ тармоли кенгайланигигина инобатта олган ҳолда, давлат бюджетидан ушбу муассасаларга 600 млрд сўм, яъни курий йилга нисбатан иккى баробар кўп субсидиялар ажратиш режалаштирилмоқда.

Муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишида қабул қилинди.

parliament.gov.uz материалы асосида.

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Қурилиш фаолияти жамоатчилик учун очиқ бўлади

Вазирлар Маҳкамаси 19.11.2020 йилдаги «Қурилиш соҳасида ахборот тизими ва географик ахборот технологияларини янада ривоҷлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 732-сон қарорни қабул қилди.

Президентнинг «Қурилиш соҳасига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (20.09.2019 йилдаги ПҚ-4464-сон) мувофиқ Қурилиш вазирлиги томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими Тошкент вилоятида эксперимент тариқасида ишга туширилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри» географик ахборот тизими (геопортал) синов тартиқасида ишга туширилган. Бу жамоатчиликка шахарсозлик ҳужжатлари ва ахборотни онлайн режимда тақдим этиш имконини беради.

Қарор билан:

➢ «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими тўғрисидаги низом;

➢ «Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри географик ахборот тизими тўғрисидаги низом;

➢ «Шаффоф қурилиш» ва «Ўзбекистон Республикаси давлат шахарсозлик кадастри» тизимларини янада ривоҷлантиришни ва унинг «Электрон ҳукумат» тизимига интеграциялашуви бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Куйидагилар «Шаффоф қурилиш» МАТнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

➢ обьектларнинг манзиллари дастури, обьектларнинг ийлиллар манзиллари рўйхати шакллантирилиши, маълумотлар базаси янги қурилиш, реконструкция ва муқаммал таъмирлаш обьектлари бўйича турларга бўлиб коритилишини таъминлаш;

➢ обьектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишида ҳудудий ягона буюртмаҳи хизмати инжениринг компанияларни томонидан лойиҳаодди ишларининг амалга оширилиши, буюртмаҳи билан лойиҳа ташкилоти ўтасида шартнома тузилиши ва аванс маблагларни ажратилишини ҳамда ишлар тугалланганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг мунтазам электрон базага киритиб борилиши ва юритилишини таъминлаш;

➢ лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказида буюртмаҳи ва экспертиза ташкилоти ўтасида тузилган шартномалар, кўрсатилган хизматларнинг молиялаштирилганлиги, тугалланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизадан ўтказилганлигига оид электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

➢ обьектлар қурилишини молиялаштиришда пудратчи билан буюртмаҳи ўтасида шартнома имзоланганлиги ва аванс маблагларни тўланганлиги, ойма-ой бажарилган ишларнинг ҳисоботини юритиши ва бажарилган ишларга нисбатан мутаносиб равишда молиялаштирилганлиги тўғрисидаги аниқ ва ишончли маълумотларнинг электрон базасини шакллантириш;

➢ обьектлар қурилишида иштирок этажётган барча пудратчилар ва ёрдамга пудратчилар ҳақида маълумотларни йигиши, бажарилган иш ҳажмлари асосида тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, улар бартараф этиши амалга оширилаётган иш турлари бўйича маълумотлар базаларни шакллантириш;

➢ обьектларда қурилиш жараёнларини назорат қилиш ва мониторинг олиб боришида уларни рўйхатта олиш, қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекциялари томонидан амалга оширилаётган назорат текшируларни ва кўрсатиб ўтилган камчиликларни қайд этиш, уларни бартараф этиши бўйича маълумотлар базаларни шакллантириш.

Геопорталнинг операторлик функциялари «Қурилишда мухандислик изланишлари, геоинформатика ва шаҳарсозлик кадастри лойиҳа илмий-тадқиқот институти» ДУКта юклатилди.

Қурилиш вазирлигига давлат хизматлари агентлиги билан биргалиқда қурилиш соҳасидаги хизматларни кўрсатиши тартиботларни хатловдан ўтказиб, талаб этиладиган маълумотларни оптималлаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиши муддатларни қисқартишишни назарда тутувчи норматив-хукукий ҳужжат лойиҳасини 2021 йил 1 январга қадар тақдим этиш топширилди.

Хужжат қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 20.11.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

2-бетда

УШБУ
СОНДИ

3-6-БЕТЛАР

Үй бошқарувини кимга топширган маъқул

7-БЕТ

Ўзлуксиз стажнинг пенсия, касаллиқдаги таътил пулига таъсири борми?

8-БЕТ

ФХХ шартномасида ишлаётган ходим билан моддий жавобарлик шартномасини тузиш мумкини?

Экспортга кўмаклашадиган савдо-ахборот портали иш бошлади

Ўзбекистонда агро – озиқ-овқат соҳасидаги барча маҳсулот етиши турувчи ва ишлаб чиқарувчилар учун минтақавий ҳамда ҳалқаро бозорга воситачиларсиз, мутлако белул чиқиш имконини берадиган [«rural-cluster.org»](http://rural-cluster.org) савдо-ахборот портали ишга тушди.

Портал «Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг органик хўжаликлари ҳамда ўрмон маҳсулотларини Европа Иттифоқи бозорларидан кенгайтириш ва ривоҷлантириши лойиҳаси – «ELSOF CA» доирасида ишлаб чиқилиган бўлиб, Европа комиссияси томонидан молиялаштирилади.


– Ушбу ахборот ресурси лойиҳа иштирокчилари бўлган Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларида маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда ўрмон хўжалигига

ёғочисиз материалларни ишлаб чиқариши тизимида ижобий ўзгаришлар учун шароит яратади, – дейди Европа Иттифоқи вакили Шарлотта Адриан. – Бу ўзгаришлар табиий ресурслар, хусусан, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва ўйлов ерларини баркарор бошқаришини таъминлайди. Натижада атроф-муҳитга етказилаштган салбий таъсирларни камайтириши, иктисадийнинг жадал усусларидан фарқли ўларо, табиий биохилма-хилликни оширишга хизмат қиласди.

Платформа ҳамма учун очик,

Интернет портали бир нечта бўллимдан иборат бўлиб, савдо-сотик қисмидан ҳаридорлар ва ритейт вакиллари учун кенг кўламдаги маҳсулотлар тақдим қилинади. Бу бўллимда фермер ва ўрмон хўжаликларининг жойлашши хакида маълумотлар, ишлаб чиқарувчилардан қизиқарли тақлифлар олиш, ҳаридорларни излаб топиш, улар билан онлайн обозланиши хизматларни йўлга қўйилган.

Агар ишлаб чиқарувчи ўз маҳсулотини экспорт қилиш таъкибасига ега бўлмаса, у ҳолда, порталнинг ахборот қисми аскотади.



Унда ҳалқаро стандартларни таъбиқ этиш ва барча қеракли экспорт хўжатларини тайёрлаш бўйича ўкув маркетинг кўпламалар, экспорт бўйича фойдаланишида ҳеч қандай чекловлар кирилтмаган бўлиб, портал барча учун бирдек очик.

Шунингдек, фойдаланувчилар мазкур платформада ҳалқаро савдо жараёнларида иштирок этиш билан бирга, мутахассислардан зарур маслаҳат, экспорт-

ни бошлаш ва савдони йўлга кўйишида кўмак олиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, сотовчи ва ҳаридорни бир-бира билан боялаша хизмат қилидиган онлайн платформа ҳар иккى томон манбаатларини бирдек химоя қилган ҳолда сифатли савдо-сотик алоқаларини олиб бориши ҳамда Ўзбекистон маҳсулотларининг хорижга экспорт ҳажмини оширишга кенг йўл очади.

ЎЗА.

1-бетда

Давлат божи ва бошқа йигимлар қандай ҳисобга олинади

Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2020 йилдаги «Солик маъмурчилигини янада таомиллаштириш бўйича кўшичма чора-тадбирлар тўғрисида»ги 736-сон қарори билан давлат органлари томонидан ундириладиган давлат божи ва бошқа йигимларнинг бюджет тизимига тушумларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди (қарор матни «СБХ» ушбу сонининг хўжатлар пакетида берилган).

Низом Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларини томонидан чет элда ундириладиган консуллик йигимларига, божхона органлари томонидан хорижий давлатлар автортранспорт воситаларининг Ўзбекистон худудига кирганинига ва унинг ҳудуди орқали транзити учун ундириладиган йигимларга таъбиқ этилмайди.

Давлат божи ва бошқа йигимларни ундириладиган давлат органлари ташиклиларни (кейини «ўрнларда – ваколатли органлар») давлат божи ва бошқа йигимларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва тўлиқ ундириб олинишини

Қандай товарлар мажбурий маркировкаланади

Вазирлар Маҳкамасининг 20.11.2020 йилдаги «Айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий рақамли маркировкалаш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги 737-сон қарори қабул қилинди (қарор матни «СБХ» ушбу сонининг хўжатлар пакетида берилган).

Ҳукуматнинг «Маҳсулотларни идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш ва келгусида кузатиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (23.11.2019 йилдаги 944-сон) мувофиқ амалга оширилдаган маҳаллий ишлаб чиқарувчilar саҳиб импорти қильувчилар учун маҳсулотларни идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш ва келгусида кузатиш тартибини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таъкибасига доирасида:

➤ маркировкаланган сигарета кутиси муваффакиятли ишлаб чиқилган, шунингдек тамаки ишлаб чиқариши фабрикаларни маҳсус сервер ускуналари билан кўшичма жиҳозлаш ва уларни корхоналарни бошқаришининг автоматаштирилган тизимларига интеграция килиш орқали тамаки маҳсулотларни кузатиб бориш механизми ишга туширилган;

➤ алкоголь маҳсулотлари учун синов тариқасида маркировкаланган ёрликлар ишлаб чиқилган, маркировкалаш ахборот тизимининг таркиби қисмлари ўрнатилган ҳамда маълумотларни қайта ишлаш маркази фаoliyati йўлга қўйилган.

Куйидагилар тасдиқланди:

таъминлайдилар, шунингдек уларнинг Давлат бюджетига ва бюджетдан ташҳари жамғармаларга ўз вақтида ўтказилиши устидан назоратни амалга ошириладилар.

Давлат хизматлар марказлари ва ЯИДХП орқали хизматлар кўрсатишда ваколатли орган давлат божи ва бошқа йигимларни ундиришига масъул ҳисобланади.

Ваколатли органлар давлат божи ва бошқа йигимлар бўйича тушумларнинг хисобини Низомга илова қилинган шакл бўйича давлат божи ва бошқа йигимлар тушумларини ҳисобга олиш китобида (кейини «ўрнларда – Китоб» ёки биллинг тизими орқали юритадилар. Бунда босқичма-босқич биллинг тизимига ўтилгандан кейин Китобни юритиши тўхтатилади.

Китоб ҳар куни иш куни охиригача ваколатли органнинг масъул ҳодими томонидан юритилади. Ушбу Китоб тегишили ҳисобот ийли якунлангандан кейин 5 йил сақланади.

Китобда ёзувлар кўйидаги ҳужжатларга асосан киритилади:

➤ давлат божи ва бошқа йигимлар нақд пулда ёки пластик карталардан фойдаланган ҳолда тўланганда – банк томонидан тўловчига бериладиган бўлгилан-

ган шаклдаги квитанция ёки тўловни амалга оширган мансабдор шахс ёхуд ваколатли органнинг кассаси томонидан тўловчига бериладиган ушбу Низомга илова қилинган шаклга мувофиқ квитанция;

➤ нақд пулсиш шаклдаги тўланганда – банкнинг қофоз ёки электрон шаклдаги тўлов ҳужжати.

Давлат божи ва бошқа йигимлар тушумлари бўйича ҳисобот ваколатли органлар томонидан ўзи жойлашган этилган ҳолларда Китобга имтиёзни тасдиқловчи ҳужжатларнинг номи, рақами, санаси ва тегишли моддаси тўғрисидаги белги кўйилади.

Давлат божи ва бошқа йигимлар тушумлари бўйича ҳисобот ваколатли органлар томонидан ўзи жойлашган этилган ҳолларда Китобга имтиёзни тасдиқловчи ҳужжатларнинг номи, рақами, санаси ва тегишли моддаси тақдим этилади.

Ҳуқоқат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.11.2020 йилдан кучга кирди.

Баҳодир Бухорий.

Куйидагилар «Asl belgisi» МАТнинг асосий вазифалари этиб белгиланди:

➤ маҳсулот айланмаси юзасидан барча босқичларни рўйхатдан ўтказиш орқали идентификация воситалари ёрдамида маркировка қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар айланмаси тўғрисидаги маълумотларни йигис ва қайта ишлашни автоматлаштириш;

➤ маълумотларни сақлаш, олиш, ўтказиши, тарқатиш, қайта ишлаш, нашр этиш, фойдаланиши жараённи «Asl belgisi» МАТда таблаб берилаш орқали сақланадиган маълумотларнинг чекланганигини таъминлаш.

Давлат солик қўмитасига:

➤ айрим турдаги маҳсулотларни мажбурий маркировкалаш соҳасида ДХШ лойиҳаси концепциясини давлат-хусусий шерлиқлик соҳасидаги ваколатни давлат органига кўриб чиқис учун бир ҳафта муддатда тақдим этиш;

➤ айрим товар позицияларини маркировкалаш юзасидан жорий қилинган тажриба натижаларини хисоб олган ҳолда «Asl belgisi» МАТни ишлаб чиқиш, ундан фойдалансанда унга техник хизмат кўрсатиш учун «CRPT Turoq» МЧЖ билан биргаликда тўғридан-тўғри музокаралар асосида ДХШ битимини тушиб топширилди.

Ҳуқоқат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 21.11.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

• ПАРЛАМЕНТ ХАБАРЛАРИ

– Давлат бюджетининг ярмидан ортиги ижтимоий соҳага йўналтирилди

1-бет

• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

1-2-бетлар

• ЯНГИЛИК

– Экспортга кўмаклашадиган савдо-ахборот портали иш бошлади

2-бет

• БИЗ ЯШАЙДИГАН ЎЙ

– УМШни барбод қилиш бўйича технология ноконуний деб топилди

– УМШ + БК: ҳамкорликнинг мусбат ва

манфий жиҳатлари

– Ҳисоблагичлар «шарпаплар»га қарши ёки мавзум қарздорликлар қаердан олиниади?

– Ширкат олдинги йилларнинг қарздор-

лигини қайтариб ола биладими?

– Коммуналчилар у УМШ фуқароларнинг шахса доир маълумотларини ошкор қилиши мөмкин

– 3-6-бетлар

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Ҳеч қаерда ишламаётганлигинизни қандай исботлаш мумкин?

– Узлуксиз меҳнат стажи аҳамиятга эгами?

– Қачон тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиш мумкин эмас

7-8-бетлар

Коммуналчилар ва УМШ фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини ошкор қилишмоқда

Кўпинча УМШ ходимлари ёки коммунал хизматларни етказиб берувчиларнинг вакиллари кўп квартирали уйларда қарздорларнинг рўйхатини илиб кўядилар. Рўйхатларда уларнинг фамилияси, исми, отасининг исмини, квартира рақамини, қарздорлик миқдорини кўрсатадилар.

Бу фуқароларнинг шахсий маълумотларини ошкор қилиш ҳисобланмайдими?

— Шахсга доир маълумотлар нима эканлигини «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонун белгилайди. Бу — муайян жисмоний шахсга таалуқли бўлган ёки уни идентификация қилиш имконини берадиган, электрон тарзида, қозоуда ва (ёки) бошқа моддий жисмда қайд этилган ахборот (Қонуннинг 4-м.). Буларга нималар кириши Қонунда аниқлаштирилмаган. Демак бу тушуччани анчайин кенг тушуниш мумкин бўлиб, бу мунозарали жиҳатларни кептириб чиқаради.

Фуқаро тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларнинг унинг ёзма тарздаги розилигисиз ошкор этилишига йўл кўйилмайди. Касбий, хизмат ёхуд меҳнат мажбуриятларини баҳариши сабабли бошқа шахсга шахсга доир маълумотлар маълум бўлиб қолган тақдирда, у бу маълумотларнинг ошкор этилишига йўл кўйиласлиги шарт (Қонуннинг 12-м.). Шундан келиб чиқканда, коммунал хизматларни етказиб берувчиларга, уй-жой мулкдорлари ширкатларига тақдим этилган, электрон маълумотлар базаларида сақланадиган шахсга доир маълумотлар ошкор этиласлиги керак.

Коммунал хизматларни етказиб берувчилар ва УМШ раҳбарияти фойдаланаётган шахсга доир маълумотлар қаторига ширкат аъзолари ва абонентлар тўғрисидаги қўйидаги ахборотларни киритилса бўлади:

- фамилияси, исми, отасининг исми;
- паспорт маълумотлари;
- яшаш манзили;
- телефон рақами.

Қонунга мувофиқ УМШ аъзоси ёки абонентнинг ёзма розилигисиз УМШ раҳбарлари, коммунал хизматларни етказиб берувчилар қарздорларнинг квартираси, қарз миқдорини кўрсатган ҳолда номлари келтирилган рўйхатни илишига хукуклари йўк.

Савон беришингиз мумкин: «Ширкатлар ва коммунал хизматларни етказиб берувчилар қарздорларга ҳарси қандай курашлари керак? Ҳақни тўламасликлари мумкин экану, уларга буни эслатиб кўйиш — қондабузларик ва шахсга оид маълумотларни ошкор қилишга кирад экан-да» дерсиз?

Тупов ҳақида эслатиш — қарздорларга тасир кўрсатишнинг превентив усулларидан бири. Айниска, кўни-кўшинилардан иборат ҳамоатчиликнинг фикри катта аҳамиятта эга бўлган бизнинг менталитетимиз шароитида шундай. Шарманда қылдагин таҳтасадаги рўйхатга тушишини ким ҳам соҳларди дейсиз?! Лекин қарздорларни шу йўл билан бадном қимлоқи бўлган етказиб берувчи ва УМШ қонун хуложатларини бузмоқдалар. Ҳеч бир норматив-хукукий хуложатда қарздорликни қисқартиришнинг бундай усулини назарда тутувчи меъёр мавжуд эмас.



Эълонда нималарни ёзиш мумкин? УМШ қарздорларни кўйидаги тарзида хабардор қилиши мумкин: «Сизнинг уйингизда ... нафар УМШ аъзолари умумий мол-мulkни сақлаб туришга мажбурий бадаллар бўйича ... кўйматидаги қарздорликка эга. Бу ширкатнинг уйда умумий мол-мulkни мумкаммал таъмирлаш учун олинган кредитларни қоплашига, техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни самарали бажариша имкон бермаятли. Қарздорлар мавжудлиги сабабли рёжалаштирилган ишлар ва даромадлар ва ҳаражатларине тасдиқлансан сметаси бажарштмай қолиши ҳаёфу тутгилмоқда. Қарздорлиги бор бўлган УМШ аъзолари ўз кўшинилари – виждонли тўловчиликнинг хукукларини поймол килаёттирлар. Белгиланган муддат ичига умумий мол-мulkни сақлаб туришга бадалларни тўлашишнини сўраймис. Акс ҳолда қарздорлик суд тартибида ундирилади».

Худди шу нарса коммунал хизматларни етказиб берувчиларга ҳам тегишили. Улар ўз эълонларида қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда истеъмолчи коммунал маҳсулотлардан якка тартибда узбিб кўйилиши мумкинлигини белгилови қонун хуложатларига ҳаволалар келтиришлари мумкин.

Қарздорликни қисқартириш бўйича огохлантирувчи чоралар орасида — абонентлар ва УМШ аъзоларининг шахсга оид маълумотларини ошкор қилмаган ҳолда уларни ёзма тарзида хабардор қилиш ҳам бор.



БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

*Маърифий мавзудаги түп搭乘**

МУНДАРИКА:

- ✓ УМШни барбод қилиш бўйича технология ноқонуний деб топилди
- ✓ УМШ + БК: ҳамкорликнинг мусбат ва манфий жиҳатлари

- ✓ Ширкат олдинги йилларнинг қарздорлигини қайтариб ола биладими?
- ✓ Коммуналчилар ва УМШ фуқароларнинг шахсга доир маълумотларини ошкор қилишмоқда



Долзарб мавзу

УМШни барбод қилиш бўйича технология ноқонуний деб топилди

Кўп квартирали уйларни бошқариши тизимини яхшилаш ва барпо қилиш деб номланган, лекин аслида барбод қилган Олмалиқ тажрибаси Аддия вазирлиги томонидан ноқонуний деб топилди. Тошкент вилояти аддия бошқармасининг тақдимомаси асосида Олмалиқ ҳокими олдинги ҳокимнинг кўп квартирали уйларни самарали бошқаришга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорини бекор қилди.

Собиқ шаҳар бошлигининг тушунчасига кўра «самарали бошқарув» деб хисобланган бу foя 355 та кўп қаватли уйларнинг мулқорларини бирлаштирган 38 та УМШни тутагиб, барча уй-жой фондини ўша вақтда ҳали ташкил этиб улгуримаган бешта бошқарув компаниясининг қўлига топширишини назарда тутар эди. Бу ишлар албатта уй-жойда яшайдиган мулқорларнинг фикр-мулоҳазаларини хисобга олмаган ҳолда бажарилган. Бундай таваккалли лойиҳа, тўғрироги, ўзбошимчалик ва мансаб ваколатини сунистеъмол қилиш шаҳарда уй-жой фондини барбод қилишга олиб келиши тайин эди.

**«Ташвиқотчилар»га ишонманг –
УМШ бошқарув усууларидан бири
булиб қолаверади**

Бир қарашда истеъфодаги ҳокимнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва булар оқибатида юз бериши мумкин бўлган воқеиликларга Аддия вазирлигининг берган баҳоси қонуннинг тантана қилишига ва уй-жой фонди ҳар қандай ноқонуний ишларни амалга ошириш мумкин бўлган кўрик ердек туолган янги ислоҳотчилар учун дарс булиши лозим эди. Аммо шундай деб ўйласангиз, чучварани хом санаб-

*Таҳтирият ихтилоғли вазирларни таҳтил қилишида иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишида кўмаклашшига ваколатли эмас.

сизэл Олмалик воқеаси совиб улгурмасданоң бүндай мурожаатлар пойтахтнинг Чилонзор ва бошқа туманларидан ҳам кела бошлади. Бу мурожаатларда ҳам кўп квартиralи уйларда яшаётганларни янги бошқарув компаниялари билан шартномалар тузиш, ширкатларни тутагишига мажбурлашаётгани ёзилади. Одатдагидек, мазкур кампаниядаги ҳам УМШлар ёилимкоҳа, уйлар БК хизматига ўтаётир, бу хақда керакли ҳужжат тасдиқланганларни ташвиқот қилинади. **Буларнинг барчаси уй-жой фондини бошқариши тижорат йўлига кўйишга интилаётганлардан чиқаётган соҳта ахборот** ҳалос.

Кўп квартиralи уйларни профессионал бошқариш – бу, аслида, хайрли ишлардан эканлигини эслатиб ўтмоғчиман. Лекин бошқаруве усулини ҳозирги кунда тез-тез учраётгани сингари мулкдорларга босим ўтказган ҳолда эмас, балки уларнинг эркин танловлари асосида олиб борилиши керак.

Ёддан чиқмасин, бу ўта муҳим!

Кўп квартиralи уйни бошқариш усули мазкур уйдаги жойлар мулкдорларининг умумий йигилишида белгиланаиди.

Кўп квартиralи уйни бошқариш:

- бевосита жойларнинг мулкдорлари томонидан;
- уй-жой мулкдорларининг ширкати томонидан;

бошқарувчи ёки бошқарувчи ташкилот томонидан ёхуд қонун ҳуҗоатларига мувофиқ бошқача усула амалга оширилиши мумкин (УЖК 138-м.; «Кўп квартиralи уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг 8, 21-моддалари).

Мазкур меъёллар бузилган тақдирда мулкдорлар прокуратура, Монополияга қарши курашиб кўмитаси, суд органларига мурожаат қилиш учун барча асосларга эга бўладилар.

Қонунларни бузишида давом этишмоқда

Собиқ Олмалик ҳокимининг журъатига койил қолса бўлади – у тошкентлик ислоҳотчилардан ҳам ўтиб тушди. Иккى йил олдин пойтахтда кўп квартиralи уйларни бошқариши бошқарув компанияларига топшириш тажрибаси бошланган эди: бу синовларни аввалига Юнусобод тумани, кейин Чилонзор тумани бошлаб берди. Ўйда яшовчиларга худди ўшандай мумомала қилинди, яъни қаердадир зугум билан, бошқа жойларда ширин сўз билан ёндашиди, масалан, мажбурий бадаллар микдорини 2 барабар камайтириш, кредитларни сўндириши бекор қилиш, тўловлардан қарзи бўлганларнинг маблағларидан тўлиқ воз кечиш ва шунга ўхшаш бир қатор алғов-далғов ваъдлар берилди.

Лекин пойтахтда туман ҳокимлари бу қадар таваккалчилликса боришломаган (балки бу вақтинча шундай бўлгандир) ва уй-жой фонди билан боғлиқ қонунчиликка зид бошқарув бошшодокликлари Олмаликда бўлгани сингари расмий «қоғозга ўралмади». Юнусободда бу тажриба ҳокимнинг қарори билан эмас, балки Вазирлар

Махкамасининг қарори билан, бинобарин, уй-жой фондини бошқариш усуслари белгиланаётган турар жойга оид қонун ҳужжати ишлаб чиқиляётган бир шароитда амалга киритиди. «Кўп квартиralи уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниси билан барча синов-тахрибалар тўхтатилиши кераклиги аниқ-равшан бўлди. Кўп квартиralи уйларни бошқариш бўйича на ҳокимларда, на янги бошқарувчиларда савол ва тушунмовчиликлар тутғилмаслиги керак эди. Лекин, вазиятнинг кўрсатишича, улар ё қонунларни ўқишмайди ёхуд ундаги мазмунни ўзларича тушунадилар. Мободо янгиликлар қонунчиликни кўпол равишда бузган ҳолда ўтказилган тақдирда, бундай янгиликка зудликда нуқта кўйиш керак эди. Шунинг учун бўлса керак, Юнусобод тажрибасига ҳалигача тегишли баҳо берилгани йўқ – бизда хатоларни тан олишдан ҳозирга қадар уялишиади.

Фуқаролик муносабатларининг эркинликларини бузадиган уй-жой фондини бошқаришининг ҳуқуқа зид бўлган тартибини ҳар жойда ўрнатиш кўлдан келмаятти. Бироқ кўп квартиralи уйларни ўзбошимча ва қонунчиликка зид тарзда ҳаракат қуловчилар билан ўралашиб қолган янги БКларга топшириши назарда тутувчи шубҳали лойиҳаларни республика бўйича оммалаштиримоқчи бўлишишоқда. Бундай «янгилик эпкинларининг» акс-садоси ҳатто минтақалардан келмокда. Одатда, қаерда аҳолининг ҳуқукий билимлари етарли бўлмаса, қонунбузилишларга қандай қарши чиқиши билмаса, ана шу жойларда бу каби янгиликлар учрамоқда.

Ширкатларга қарши юриш стратегияси

Аслини олганда, Олмалиқда гап УМШни барбод қилиш технологияси ва уй-жой фонди бошқарувини қонунчиликка зид йўл билан тикорат ташкилотларига бериш ҳақида кетган эди. Уйларда яшовчиларнинг фикр-мулоҳазалари бу стратегияга мос тушмайди. Ваҳоланки гап умумий уй мол-мulkини бошқариш ҳақида кетмоқда, бу мол-мulk квартира эгаларининг ҳусусий мулки ҳисобланади. Бу мол-мulkни ким ва қандай бошқариши кераклиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш – айнан мулкдорларнинг мутлақ ҳуқуқига киради, билтъакс, уйларда яшовчиларнинг розилигини олмаган ҳолда уйларга кириб олиб, уларнинг мол-мulkига хизмат кўрсатишни бошқаларга юклашга қарор қилган ҳокимнинг ҳуқуки эмас. Бу надавлат нотижорат ташкилоти ҳисобланмиш УМШнинг яшларига араплашувдан бошқа нарса эмас. Демак, бу бошқа технологиялар сингари қонунчилик билан тақиқланган ҳатти-ҳаракат ҳисобланади ва бўнинг учун жавобгарлик назарда тутилади.

Уй-жой фондини бошқаришининг олмалика модели мулкдорларнинг ҳуқуқларига кўпол тарзда тажовуз қилиш бўлган эди: барча (!) ширкатлар бекор қилиниши, уларнинг ҳисобварақлари ёилиши, банклар билан шартномалари бекор қилиниши, УМШларнинг мухр ва штамплари йўқ қилиниши, янги бошқарув компанияларига ер участкалари ахратилиши, кредитлар ҳисобидан бу жойларда официслар курилиши, ахоли билан шартномалар тузилиши ва ҳоказолар қилиниши керак эди. Бунда уй-жой (мулк ҳусусий бўлгани ҳолда) мулкдорларининг хоших-иродаси умуман

Мавзувий сонни маҳсус мухбири миз Ирина Гребенюк олиб боради.

ҳисобга олинган эмас. Уларга нотаниш компаниялар билан шартномалар түзиши мажбурлашган, бу компаниялар на моддий-техник базага, на иш тажрибасига эга бўлган, уларни танланш учун танновлар ҳам ўтказилмаган, уларда мулкдорлар ҳам иштирок этмаган. Ахоли учун мажбурлаб «тиқиширилган» истикборлодги бошқарувчилардан бири, масалан, илгари ўзини яхши жиҳатдан кўрсатолмаганлардан бўлиб чиқкан. Савол туғилади: бу янги бошқарувчиларнинг ўзи ким, улар кимларнинг манфаатларини ифода қилишади? Бундай зугум ва тазиқ остида – албатта ахолининг манфаатларини бўлмаса керак.

Балки Олмалиқдаги синов ўз вақтида тўхтатиб қолинмаганида уй-жой фондини қандай бошқарби бўлмаслиги тўғрисидаги тажриба бўлиши мумкин эди. Балки собиқ ҳоким бунга ўзи журъат қилолмаган ҳам бўлармиди? Ислоҳотлар шабадаси ҳар ҳолда пойтахтдан эсаётганек кўринади. Энг қизиги шундаки, уй-жой фонди бошқарувини хусусий кўпларга топшириш бўйича чора-тадбирлар собиқ Олмалиқ шахар маъмуряти раҳбарининг қарорида «давлат-хусусий шерлиқлик» сифатида кўзда тутилган ва бу ишларни ОАВда ёртиш белгиланган эди. Бу қандай иш эканлигидан ҳокимларнинг ўзи тасаввурга эгамикин? Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига савол: ҳокимлар ва уй-жой фондини БК ёрдамида бошқаршини илгари сурʼаттан янги бошқарувчилар мазкур жараёнларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ҳақида тасаввурга эга бўлмасалар, уй-жой соҳаси таг-томири билан барбод бўлишидан олдин бу борада уларнинг саводини чиқариш билан жиддий тарзда шугулланадиган вақти келмадимикин?

Адлия вазирлиги ҳокимнинг қарорини ноқонуний деб топди

Тошкент вилояти адлия бошқармаси собиқ Олмалик шахар ҳокимнинг қарорини қонун ҳужжатлари талабагрига зид деб топди. Шахар маъмурятигининг янги раҳбари вазирликнинг тақдимомаси асосида қарорни бекор қилди.

УМШ + БК: ҳамкорликнинг мусбат ва манфий жиҳатлари

Кўп квартирали уй-жой фондини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш хизматларини тақлиф қилаётган янги бошқарув компаниялари (БК), одатда, уйда ширкат тузилганинги ёёкламайдилар. Бошқарувчилар ахолини БК билан якка тартибда шартномалар тузишга, бу орқали УМШларни сиқиб чиқаришга интиладилар. Улар воситачиларсиз, тўғридан-тўғри бошқаршини афзал билишади. Бунда улар ширкатларнинг назоратидан кочишиш ажаб эмас. Ваҳоланки қонун ҳужжатларида уйда УМШ ҳам, БК ҳам фаoliyat кўрсатиши мумкинлиги назарда тутилган. Пойтахтда бундай ҳамкорликда ишлаётган УМШ ва БКлар етарлича, улар уй-жой коммунал хўжалиги ислоҳотлари бошланмасидан олдин ҳам мавжуд эди. Ҳар икки тарафнинг ўзаро ҳамкорлиги «бир қозонда иккى кўчкорнинг боши қайнаши мумкин»лигига яхши далолат бўлиб, янги бошқарувчилар ва тажрибани ўрганишса ортиқчалик қилмайди. Мазкур ҳолларда ширкат бошқарувчи компанияга хизматларни буюртма берувчи сифатида майдонга тушади. У БК билан шартнома тузиб, «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонун ва УМШнинг уставига асосан мулкдорларнинг манфаатларини ифодалайди.

Тақдимомада ҳоким томонидан бир қатор ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар бузилганини кўрсатилган. Хусусан:

1) кўп квартирали уйни бошқариш усули шу уйдаги турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулкдорларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланди (УЖК 138-м.);

2) ширкатни қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул килиш ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ваколатига киради («Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг 38-м.).

Ширкатни тугатиш тўғрисидаги қарор УМШ аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинмаган, балки унинг фаолиятини шаҳар ҳокимияти тўхтатган эди. Қолаверса, ширкатни юридик шахс сифатида тугатиш ҳуқуқига факат ширкат аъзоларининг ўзи ёки суд эга бўлган;

3) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва улар мансабдор шахспарининг кўп квартирали уйларни бошқариш органлари фаолиятига арапашувига йўл кўйилмайди («Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонуннинг 49-м.);

4) шаҳар ҳокимининг қарори билан тадбиркорлик субъектлари ва ширкатлар учун адлия бўлимида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган мажбурий кўрсатма нормалари белгиланган эди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойхаси мажбурий ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши керак.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари лойхадарининг ҳуқуқий экспертизаси Қорақалпогистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади («Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 21, 22-моддалари);

5) фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахли қарбчи меъёрий ҳужжатлар ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак (Низом 2-б., ВМнинг 9.10.1997 йилдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган).

Мусбат манфийга айланиб қолмаслиги учун

Эслатиб ўтамиз, Қонунда бошқарувнинг учта усули назарда тутилган: УМШ ёрдамида, бевосита жойлар мулкдорлари томонидан, юридик шахс – бошқарув ташкилоти ёки жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) – бошқарувчи томонидан.

УМШ нотижорат ташкилоти бўлиб, унинг мақсади фойда олиш эмас, балки кўп квартирали уйларда (ККУ) мулкдорларнинг умумий мол-мулкни самара бошқариш учун шарт-шароитлар яратишдан иборатdir. Умумий йигилиши қарорига кўра у мазкур вазифани ўз кучи билан бажариши ёки бошқарув компанияси ёрдамидан фойдаланиши мумкин. БК зиммасига юқлатидаған ишлар хажми ҳам умумий йигилиши томонидан белгиланади. У барча хизматларни тўлиқ ёки қисман кўрсатни мумкин. Одатда, ширкат бошқарув вазифаларининг маълум қисмини ўз зиммасида колдиради: масалан, умумий масалаларни ҳал қилиш, қарздорлар билан ишлаш, аҳоли саводхонлигини ошириш, умумий йигилишдарни ўтказиш ва бошқа масалала шулар жумласидан. Лекин БК + УМШ ҳамкорлиги чизмасидаги ёнг муҳим нуқта шундаки, ширкат бошқарув компанияси томонидан бажариладиган ишларнинг сифатини бау ишлар учун ўтказилган мулкдорларнинг маблагларини назорат қиласди.

Бошқарув компанияси – бу тикорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади фойда олиш ҳисобланади. Ширкат БК билан ҳамкорлик қилиб, ўз ишларини ҳалол бажараётганда ўз аъзоларининг ҳукукларига риоа этилишининг кафили сифатида майдонга тушади, бу шартномада кўрсатилган бўлади. Лекин БК ҳам, УМШ ҳам кўл учида ишлаб, қонунларни ва мулкдорлар ҳукукларини бузишлари, бир-бирларининг сунисъетмопликларини ҳаслшашлари мумкин. Бу эса, ҳамкорлик эмас, балки жиддий муммодир. Бу ҳолда УМШ аъзолари ўз манфаатларини химоя қилишлари анча мушкуллашади. Ширкат бошқарув компанияси томонидан сифатиз хизмат кўрсатилганда, маблаглардан мақсадиз фойдаланилганда мулкдорларнинг фуқаролик ва истеъмолчилик ҳукукларини чекловчи тўсіқиа айланади-қолади.

Ҳар икки тараф инсоф билан, ҳалол ишлаган тақдирдагина БК + УМШ ҳамкорлиги ширкат аъзолари учун хайрли бўлиши мумкин. Акс ҳолда мусбат жиҳатлар манфийга айланаб кетади. Ишлар ижобий ёки ишқал билан кечгандга бундай ҳамкорликдан ҳукукий муносабатларнинг барча тарафлари (БК, УМШ, мулкдорлар) нималарга эга бўлишлари мумкинлегистини кўриб чиқамиз.

Бошқарув компанияси

Ижобий жиҳат

1. БК ҳар бир алоҳида мулкдор билан эмас, балки бир юридик шахс – ширкат билан шартнома тузади. Бу унинг учун қулай, тезкор ва ихтилофларизидир. Шунда умумий йигилишларни ўтказиш, аҳолига профессионал

бошқарувнинг ҳамда БК ёрдамида умумий мол-мулкка хизмат кўрсатишнинг муҳимлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат қолмайди.

2. БКга ҳар бир мулкдор билан алоҳида мулкот қилгандан кўра, УМШ бошқаруви билан мулкот қилиш осонроқдир.

3. Ўз манфаатларига тааллуқли бўлган муҳим қарорларни қабул қилишда умумий йигилиши БК қақириб ўтиримайди, бу юмушни УМШ бошқаруви бажаради.

4. Ширкат билан шартнома тузганда БК ишга тезорқ киришиб кетади. Бевосита бошқарувда (УМШ иштироки-сиз) ҳар бир мулкдор билан шартнома тузиш кўп вақти олади.

5. БК ширкат аз золарининг қарзларини ундириши билан шугулланмайди. Хизматларга тўлиқ ҳак тўлаш масаласини УМШ бошқаруви аъзолари ва раис ҳал қиласди. Қарздорлар билан бошқарув иш олиб боради (шартномада бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса).

Манфий жиҳатлар

1. Қоидабузарликларга йўл қўйиб ишлайдиган БК УМШ томонидан ишлар сифати ва мулкдорларнинг маблаглари сарфланиши устидан назорат ўрнатилишидан норозилар.

2. Ширкатларга бирлашган жойлар мулкдорлари анчанин ташкиллашган ва фаолдирлар. Улар БКдан фаолиятнинг шаффоғлигини, хисоботлар топширилишини талаб килишлари мумкин. Сифатиз хизматлар кўрсатилганда бу БКнинг норозилигига сабаб бўлади.

Ширкатлар

Мусбат жиҳатлар

1. УМШ умумий ўй мол-мулкига хизмат кўрсатиш бўйича машҳақатлардан озодdir. Бу ишларни унинг ўрнига БК бажаради.

2. Ҳодимлар штатини шакллантиришнинг кераги йўк. Уйга малака, кўнинка ва билимларга эга бўлган БК мутахassisлари профессионал хизмат кўрсатишиади.

3. БК сифатли хизматларни таъминлайди.

4. УМШ асбоб-ускуналар, инвентарлар харид қилмайди. БКда моддий-техник база шаклланган.

5. УМШда БК томонидан бажариладиган ишларнинг сифатини назорат қилиш вазифаси қолади.

Жойлар мулкдорлари

Мусбат жиҳатлар

1. Кўп квартирали уйларга профессионал бошқарув компанияси томонидан хизматлар кўрсатилганда мулкдорларга сифатли хизматлар тақдим этилади.

2. Улар учун ширкат БК томонидан кўрсатилаётган хизматларни назорат қилиб турганни мухим. УМШ аъзолари ўйни бошқарув ва унга хизмат кўрсатиш масалаларини ўзлари амалга ошириш учун етарлича малакага эга эмаслар.

3. БК бир неча ўнлаб кўп квартирали уйларга хизмат кўрсатиши мумкин. УМШ бўлмаган тақдирда мулкдорлар-

Мавзувий сонни маҳсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

нинг БК билан мулқот ўрнатиши, уйга хизмат кўрсатишга доир ахборотни олиши мушкүпроқ бўлар эди.

4. Мулқорларнинг бадаллари УМШнинг ҳисобрақамида бўлади. Бу эса ўз маблаглари, шу жумладан БКга ўтказилган тўловларни назорат қилиш имконини беради. Бевосита бошқарувда маблаглар БКнинг ҳисобрақамида турди ва уларнинг ҳаракатини кузатиб бориш мушкул ҳисобланади.

5. БК билан якуний ҳисоб-китобни ширкат ишлар бажарилганини тўғрисидаги далолатнома имзолангандан кейин, яъни ишлар сифати назоратидан сўнг амалга оширади.

6. Ширкат раиси мулқорларнинг маблаглари сарфи, хусусан бошқарув компанияси томонидан қилинган ҳаражатлар тўғрисида УМШ азоларининг умумий йигилишида ҳисобот беради.

7. УМШда тафтиш комиссияси ташкил этилган бўлиб, у ширкатнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириди ҳамда йиллик умумий йигилишида ҳисоботни тақдим этади. Шу билан бирга мулқорларнинг БКга ўтказган ва улар ўзлаштирган маблаглари ҳам текширилади.

8. БК – фойда олишдан манфаатдор бўлган тижорат ташкилоти. Ширкат ҳаражатлар қисқартирилиши ва мулқорларнинг маблаглари иктисад қилинницидан манфаатдордир. Шу туфайли ширкат БКни ишларни бажаришининг камархар вариантиларига йўналтириши мумкин.

9. УМШ билан солиширгандан БК томонидан бажарилган ишлар учун тўловлар бошқарув компанияси фаолиятини мувоффикларшири ҳисобига арzonрок булиши мумкин. Ўз навбатида, мажбурий бадалнинг миқдори ҳам камроқ бўлади.

10. Ширкетда мажбурий бадал шаклланишининг чизмаси мулқорлар учун анчайин шаффоф ва тушунарлидир. Бевосита бошқарувда БКдаги хизматлар учун тўловлар миқдори нималардан хосил бўлишини тушуниб етиш мулқорларга мушкүпроқ.

Манғий жиҳатлар

Ҳам БК, ҳам УМШ қоидабузарпиклар билан ишлаган тақдирда БК + УМШ бошқарувчи вариантининг афзаллiğiлари мулқорлар учун нуқсонли бўлиши мумкин.

Ҳисоблагичлар «шарпалар»га қарши ёки мавҳум қарздорликлар қаердан олинади?


Октябрь ойида пойтахтда ҳисоблагичсиз истеъмол қилинган совуқ сув учун асосланмаган қарздорликлар тўлқини авж олди. «Тошкент шаҳар сув таъминоти» МЧЖнинг туман бўлиннамаларида («Сувсоз») фуқаролар мавҳум қарздорликлар даври учун тўлаган квантанциялари билан тўп-тўп бўлиб туришиб, асабайлашишиб, вақт йўқотишиб. Юзага келган муаммонинг сабабларида бири – истеъмолчилар ҳисобининг нотугри юритилиши. Етказиб берувчининг маълумотлар базасида «ўлик жонлар» ҳосил бўлган: абонентлар манзилида бўйича яшамайдиган ва рўйхатдан ўтмаган шахслар рўйхатга кирилган.

Ижтимоий тармоқлардаги шарҳлар ва газетамизга қилинган мурожаатларга Караганда, туман сув таъминоти ташкилотлари маҳалла қўмиталарига ҳавола қилган ҳолда, бу маълумотларни айнан шу қўмиталар берганини айтишган. Сув етказиб берувчилар бундай қарздорликлардан норози бўлган истеъмолчиларга 17-сонни шаклдаги маълумотномани тақдим этган ҳолда прописканы тасдиқлашларни айтишган. Яна вақт йўқот, сарсонгарчалик, асабузарлик. Яна абонентнинг манзилида «кўринимас одамлар» йўқлигини исботлашга кириш...

Савол туғилади: маҳалла бу ерда нима қилиб юрибди? Ўзини ўзи бошқарыш органининг ўйда яшатгандар ҳисобини юритиш, сув таъминоти ташкилотига маълумотлар бериси бўйича мажбурияти кайси норматив-хукуқий хужжатда белгиланган?

Иккени ёзамиз – учни ёдда сақлаймиз

Истеъмолчиларга сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари кўрсатиш қоидаларида (ВМнинг 15.07.2014



йилдаги 194-сон қарорига 2-илове) ҳисобга олиш асбоблари билан таъминланмаган истеъмолчилар томонидан сарфланган сув ҳажмини аниқлаш учун зарур бўлган домий ва вактичалик истикомат қўлившилар сони ҳақидаги маълумотлар сув таъминоти ташкилотлари томонидан

истеъмолчининг яшаш жойи бўйича ички ишлар орғанларидан мустакил равишда сўраб олиши назарда тутилган. (Қоидаларнинг 17-б.). Ҳаммаси очик-равшан тушунарли. Лекин етказиб берувчи истеъмолчиларни маълумотлар тўлпаш учун юргутиришда давом этмоқда, ваҳоланки бу ишларни унинг ўзи, қонун хужжатларида белгиланган электрон хужжат ахлатини механизмидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши керак эди.

Юқорида келтирилган нормага мувофиқ маҳалла доимий ва вактинча прописка қилинганлар тўғрисидаги маълумотни йигиш-топшириш жараёнида иштирок этмайди. Амалда нима бўйлти? Кўп квартириали уйларда ҳозирда ижарадагилар кўччиликни ташкил этади. Упарнинг аксарияти вактинчалик рўйхатдан ўтмаган бўлиб, етказиб берувчилар учун бош оғриги бўлмоқда. Ҳисоблагич бўлмаган вактда – бу ҳисобда йўқ, истеъмолчилар дегани. Қоидаларда уйда вактинча истиқомат қилувчи (ёлловчи) лар истиқомат қилганда тўловлар ҳақиқатда истиқомат қилаётганлар сонига қараб амалга оширилиши белгиланган. Истеъмолчи, ўзи яшаётган хонадонда турувчилар сонида ўзгаришлар содир бўлган вақтдан бошлаб 5 иш кунидан кечикмай бу ҳақда етказиб берувчини ёзма равишида огоҳлантириши лозим. Бунда истеъмолчи, Сусвоз ташкилоти, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ва уйнинг асосий эгаси томонидан – уч томонлами далолатнома тузилади (Қоидаларнинг 114-б.). Шундай далолатномалар қилингитими, буни айтиш кийин. Лекин шуниси аниқи, маҳалла кўмитасини ҳисоб юритиши жалб этиши учун ба расмий асосга айлантирилди. Бунга, албатта, ўзини ўзи бошқариш органи ахолига энг яқин орган бўлганлиги сабаб бўлса ажаб эмас.

Бир қараща, маҳалла ҳисоб билан шуғулланиши шартлигини белгилайдиган хужжат мавжуд эмас. Бу органинг сув етказиб берувчиси билан ўзаро муносабатини тартиби солгунни регламент йўқ. Ишончли маълумотларни етказиб берганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланмаган. Шундай экан, маҳалла бу ерда нима қилиб аралашади, масалани абонентлар эмас, ваколатни органлар ҳал қилиши керак эмасми.

Буғунги кунда маҳалла зиммасига бâзъизда у үддасидан чиқа олмайдиган даражадаги оғир вазифалар юклаб қўйилган. Бâзъизда маҳалла кўмитаси ўй бошиларнинг ахборотидан фойдаланади, бу ахборотни эса доим ҳам ишончли деб бўлмайди. Конунчиликда «уй боши», «дом-ком» деган ҳукукий тушуччанинг ўзи мавжуд эмас, унинг ваколат ва маҳбуриятлари белгиланмаган. Ишканлининг боши ҳам шундан бошланади: истеъмолчи-«шарпалар», нореал ҳисобланмалар. Буларнинг ҳаммаси ноконунчий хатти-харакатлар учун замин яратади.

Тизим оқсаноқдами

Сув бўйича асосланмаган қарздорликлар тўлқинини ҳосил қиладиган яна бир нечта сабаб бор.

Жорий йилда сув етказиб берувчи абонентлар шахсий ҳисобварагини уларни оммавий хабардор қилмаган ҳолда ўзgartирди. Бу ҳам шартнома шартларини бузиш ҳисобланиб, совуқ сув тўловидаги муммомлар келиб чиқишига омил бўлган.

Истеъмолчиларнинг келтиришича, тўловлар тўғрисидаги квантанцияларни тўлдираётганда сув таъминоти ташкилотлари ходимлари томонидан кўпинча хатоликларга йўл кўйилади. Бунда улар ё тўғри ҳисоблай олиши майди ёхуд ўзларининг фойдаларига адашиб кетадилар. Шунинг учун квантанцияларни текшириш керак, янама маъқулроғи, уларни истеъмолчининг ўзи тўлдирсин. Электрон тўлов тизимлари орқали ҳақ тўланганда – чекларни саклаш ёки қоғозга чиқариб олиш зарур.

Аксарият ҳолларда сув учун нотўғри ҳисоблашлар бўлгандан етказиб берувчи маълумотларнинг электрон тизимидаги узилишларни ёки хатоликларни рӯқач қиласди. Тизимдаги узилишлар нима дегани? Яна ўша инсон омили масаласи: ниманидир нотўғри босиб юборган, тутиб юборган, нотўғри ўрнатиб кўйиган. Истеъмолчилар кўпинча савол берисади: сув узатишдаги узилишлар шу қадар мунтазам бўлиб турадику, бу етказиб берувчилар манфаатидаги иш эмасмикин? Коммунал хизматлар ҳисобининг интеграциялашган тизимига нотўғри маълумотларнинг киритилиши эса нималарга олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш кийин.

Ҳисоблагичлар мавжуд бўлмагандага ортиқча одамларни кўшиб ёзиш, сув бўйича мавхум қарздорликлар муаммонинг қатъий өчими ҳар жойда ҳисоблаш асбобларни ўрнатиш, уларни ҳисоб ба назоратнинг автоматик тизимига улашда кўринади. Бу вазиятларда сув ўлчагичларни ўрнатишга шошилмаётган истеъмолчиларнинг ўзлари ҳам қисман айбдордирлар.

Муаммолар бўлмаслиги учун

Истеъмолчиларда реал қарздорликлар юзага келмаслиги мақсадида улар сув таъминоти учун кейинги ойга ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлашлари лозимлигини эслатиб ўтамиш (Қоидаларнинг 108-б.).

Фуқаролар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатта олинмаган хонадонларда, сувни ҳисобга олиш асбоби мавжуд бўлмайди, ичимлик сув ва канализация хизматлари учун тўловлар қонунчиликда кўрсатилган истеъмол нормаларига кўра, белгиланган тарифларнинг орттирилувчи коэффициентини кўллаш йўли билан: бир ва иккি хонали уйларда – бир киши ҳисобидан; уч хонали уйларда – иккি киши ҳисобидан; тўрт хонали уйларда – уч киши ҳисобидан; беш хонали уйларда – тўрт киши ҳисобидан ва ундан ортиқ хонали уйларда шу тартибда амалга оширилади (Қоидаларнинг 99-б.).

Истеъмолчилар етказиб берувчига ҳар ойда жорий ойнинг 23-25-санасида сувни ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларни тақдим этишлари керак (Қоидаларнинг 123-б. 8-хатбоши). Акс ҳолда сув таъминоти ташкилоти ушбу ва кейинги давр ҳисоб-китобларни сув сарфининг ўртача суткалини нормасида амалга ошириш ҳукукига эга. Истеъмолчи томонидан кейинги кўрсаткичлар тақдим этилганда кайта ҳисоб-китоб амалга оширилади (Қоидаларнинг 100-б.).

Сув таъминоти ташкилоти, истеъмолчини 7 кун аввал ёзма равишида огоҳлантирган ҳолда, хизматлар учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмагандага сувни узатишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин (Қоидаларнинг 127-б.).

Ширкат олдинги йилларнинг қарздорлигини қайтариб ола биладими?

Уй-жой мулқорлари ширкатларининг фаолиятида эски бир муаммо бор эди, «Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисида»ги Қонун қабул килиниши билан унинг ҳал этилиши янада қийинлашди. Гап шундаки, яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг кўплаб мулқорлари илгари умумий мол-мulkни сақлаш ишида иштирок этмас эдилар. Ўз кучини йўқотган «Хусусий уй-жой мулқорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонунда уларнинг умумий мол-мulkни сақлаш бўйича умумий харажатларни амалга ошириш маҳбuriyati ўрнатилган эди. Фуқаролик кодекси (211-м.), Уй-жой кодекси (16-1-м.), Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисидаги Қонунга (17-м.) биноан ҳам бундай жавобгарлик улар зиммасига юклатилган.

Илгари яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг мулқорлари УМШ аъзолари хисобланмаган. Ширкат билан муносабатлардаги маҳburiyatlар уларда маҳburiy tарзда тузилиши лозим бўлган шартномалар асосда юзага келар эди. Яшаш учун мўлжалланмаган жойларнинг кўплаб мулқорлари ортича харажатлардан қочиб, қандай бўлмасин бундай шартномани тузмаслик йўлларини қидирад эди. Айрим ширкатлар у билан шартнома тузилишига ётто суд йули билан бўлса ҳам эришган бўлса, айримларининг ҳаракатлари бесамар кетган.

Кўп квартирали уйларни бошқариш тўғрисидаги янги Қонун турар жой ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулқорларини хукукий мақомда тенгглаштириб кўиди – улар ҳам, булар ҳам УМШ аъзолари бўлишиди. Жойларнинг барча мулқорлари 2020 йил 1 августан бошлаб маҳburiy badalplari kiritishlari shart (17-m., 30-m. 5-k.).

Лекин олдинги ишлар нима бўлади? Қонун қайтар кучга эга эмас. Ширкатларнинг яшаш учун мўлжалланмаган жойлар мулқорларига олдинги даврлар учун тўлманмаган маблаглар бўйича талабнома кўйишга асоси борми? Бор.

Умумий харажатлarda иштирok etishi tartibi XUMSH t'ogrisidagi Konunnинг 6-moddasida bilan belgilangan edi: bu ширкат билан тузилиши маҳburiy bўlган шартномa шартpariga kўra amalga oshirilgan. Fuqarolik kodeksining 377-moddasiga kўra shartnomani tuzishdan aсосisis bўyin tovplatetan taraaf (ayni vaqtda – яшаш учун mўljallanmagagan жойлар mулқорlori) shu tuhfaili etkazilgan. Заарарларни заарарlari boشا tarafla (shirkatka) tulaishi kerak. Biror qavol turgiladi: zaarar nimalardan iborat va ularni қандай xisoblab chiqish mumkin?

Фкниг 14-moddasiga muvofiq olinmamay kollgan daromadlar ҳам zaarar xisoblanadi. Яни Қонун taalablari buzilmagagan takdirda bir tarafa (UMSH) oliishi mumkin bўlgan foida. Ayini vaziyatda – ширкатнинг UMShning umumiy mol-mulkini lozim daramadagi tehnik, sanitariya va



estetik jihatdan saqlab turishi mahburiyatlarni bajarishi учун яшаш учун mўljallanmagagan жойлар mулқорidan oладиган pul mablagi ҳақида гап ketmoqda.

Фкниг 1-moddasida mustajhamlangan fuqarolik munoسابатларида iштирokchilarining tengligi tamoyiliidan keliib chiqilganda umumiy mol-mulkka nisbatan xукулларнинг tengligi уни saqlash bўyicha maхburiyatlarni tengligini nazarada tutadi. Шундан keliib chikadi, яшаш учун mўljallanmagagan жойлар mулқорi уларни saqlash bўyicha

харажатларни камида turar жой mулқорlari bilan teng ravishda kўtariishi maхburiy. Mana shundan keliib chiqkan ҳolda ўrnatilgan maхburiy badallar miqdoriga muvofiq tарzda UMShning olimmagan daromadlari summasi xisob-kitob қилиnadi ҳамda 2020 йил 1 avgustga қadar (kўp квартирали уйларni boшқariш t'ogrisidagi Қонун kuchga kirkgan sana) ширкатnинг заарarlariни қoplash t'ogrisidagi (lekin kazdordorlunki undiriш t'ogrisidagi emas) daъvonin ga baҳosi belgilanadi. Заарarlarning umumiy summasi daъvonin ga baҳosini tashkil etadi.

Oлдинlari maхburiy tўlovlar bўyicha қарzдорlunki undiriш t'ogrisida mулқorlarga nisbatan daъvo bilan chiqkan ширкатlар давлат bojini tўlaшdan osoz etilgan edi. Эndiliqda «Давлат bojisi t'ogrisida»gi янги Қонунга бinoan ular bojini umumiy aсосlarda tulaşadilar. Natижada UMShlar sudga kamroq murojaat kipladigan bўldi. Ayini vaqtda ширкатlardagi қarzdarorliklari ҳажmi yoқoriliqicha қolaётir. Даъvolar soninining kamaiyiшига kredit mablagnarini sundiiriш wa UMSh xisobraqamplariда эркин pul mablagnarining mavjud emasligi sabab bўlgan, давлат bojini tўlaш esa kўplab UMShlar учун oson ish emas.

Шулардан keliib chiqib, daъvo arizalapida давлат bojisi tўlaniши muddatituni, uni tўlaшni aйборд shaxsnинг zimmasiiga oklagan ҳolda ishning oxirigeriga ҳal bўliishiغا қadar uzaytiриб berish sўraladi, chunki daъvogarda bunning учун mablag mavjud bўlmайдi.



Ҳеч қаерда ишламаётганлигинизни қандай исботлаш мумкин?

Агар охирги иш жойида инсон 2020 йил 1 январдан кейин қабул қилинган ва ишдан бўшатилган бўлса, унинг ҳеч қаерда ишламаслиги ҳолатини қандай тасдиқлаши мумкин? Яъни – қачонки меҳнат шартномалари тўғрисидаги маълумотлар фақат ЯММТда қайд қилинса ва иш берувчи жисмоний шахс билан шартномани бекор қўлгандан кейин тўғрисидаги ахборотга кириши имкониятига эга бўлмаганда. Хусусан, бундай тасдиқнома ишдан бўшатилгани учун МКнинг 67-моддасига асосан – штатлар қисқартирилганда ёки корхона тутатилганда ўртача иш ҳақини тўлаш учун зарур.

Ҳақиқатан, Президентнинг 31.10.2019 йилдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4502-сон қарори ва Вазирлар Махкамасининг 5.12.2019 йилдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплекси жорий қилиншини ва унинг ишлашини тъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги 971-сон қарорига мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб асосий иш жойи бўйича иш ҳақидаги барча маълумотлар ЯММТда рўйхатдан ўтказилиши керак. Шу жумладан – меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш тўғрисидаги маълумотлар. Ушбу маълумотлар асосида тизим автоматик равишда электрон меҳнат дафтарчасини шакллантиради. Иш стажининг ҳисоби 1.01.2020 йилдан бошлаб ЯММТ тизими маълумотлари асосида юритилади.

Бунда МКнинг 67-моддаси нормалари ўзгартмаган. Ўзининг собиқ иш берувчисидан МКнинг 67-моддасига асосан тўлов олиш учун жисмоний шахс ишга жойлашмаганини тас-

дилаши керак. Бунинг учун у меҳнат дафтарчасини тақдим этиши зарур. ЯММТ шароитларида – электрон меҳнат дафтарчасининг қоғозга чоп этилган вариантини.

Агар шахс илгариги иш жойи бўйича ишламаётган бўлса, янги иш жойи эса ҳали маъжуд бўлмаса, у ўзининг электрон меҳнат дафтарчасини мустақил равиша чоп этиши мумкин. Бунинг учун my.mehnat.uz даги жисмоний шахснинг шахсий кабинетига кириш зарур. Дастраси ҳолатда у маълумотлар тизимга киритилган барча жисмоний шахсларда мавжуд.

Агар жисмоний шахс my.mehnat.uz да шахсий кабинетга биринчи марта кирэйтган бўлса, аввал у ерда рўйхатдан ўтиши керак.

Электрон меҳнат дафтарчasi фирма бланкасида чоп этилади. Ушбу чоп этилган ҳужжат мөннат фоалияти тўғрисидаги маълумотларни тасдиқлаш учун етарли ҳисобланади.

Раҳимжон Раҳмонов,
Давлат меҳнат инспекцияси
хукукий инспектори.

Реклама

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

NORMA

Ўзек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиш
Тошкент ш., Миробод тумани, Галимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Узлуксиз меҳнат стажи аҳамиятга эгами?

Баъзи ходимлар бир ишдан бўшаш ва бошқасига жойлашиш ўртасидаги танаффуслардан, шу тариқа уларнинг узлуксиз стажлари узилиши ва бу қандайдир тарзда бўлгуси пенсия, касаллиқдаги таътил пули, устамалар ва ҳ.к.ларга таъсир кўрсатади деб қўркишади. Аслида ҳам шундайми? Buxgalter.uz тушунтиради:

«Узлуксиз иш стажи» атамаси таърифи ҳозирги вақтда қонунчиликда мавжуд эмас. У собиқ СССР вақтида аҳамиятга эга бўлган ва инсон мунтазам меҳнат қўлган вақтни ифодалаган, ишдан бўшаш ва янги ишга жойлашиш ўртасидаги даврлар эса муайян муддатлардан ошмаган.

Бироқ ҳозирги вақтда ҳам у кадрлар бўлими ходимлари орасида ҳам тез-тез эслаб турилади. Гап шундаки, узлуксиз меҳнат стажи муайян касб соҳаларида устамаларни тайинлашда ҳисобга олинади. Масалан, давлат муассасаларининг тибиёт ва фармацевтика ходимларига узлуксиз иш стажи учун устамалар тайинлаш кафолатланади. Уларни тўлаш ва узлуксиз стажни ҳисоблаб чиқариш тартибини Ўзбекистон Республикаси давлат муассасаларни тибиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида низом тартибида солади (ВМнинг 21.12.2005 йилдаги 276-сон қарорига 2-илова).

Хусусий корхоналарда меҳнат стажи

Компаниялар ҳам локал тартибида мустақил равиша ўз ходимлари учун мазкур аниқ иш берувчида ёки аниқ тармоқда узлуксиз стаж учун кўшимча афзаликлар белгилашлари мумкин. Бундай кафолатларни тақдим этиши тартиби ташкилотнинг алоҳида локал норматив ҳужжатларида қайд этилади. Масалан – жамоа шартномасида, меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатларни ташкилотни тўғрисидаги низомларда ва ҳ.к.

Бу миқдори ишланган даврга мутаносиб равиша табакалаштириладиган иш ҳақига ҳар ойлик ёки йиллик кўшимча тўловлар бўлиши мумкин. Узлуксиз стаж учун пул тўловларидан ташқари ходимларга кўшимча ҳақ тўланадиган таътиллар, санаторийга йўлланмалар ва бошқаларни тақдим этиш мумкин. Бунда ташкилот локал ҳужжатда «узлуксиз» юзасидан ўз талқинини мусатхамлаб кўйиши мумкин:

➤ битта компания ёки тармоқда узлуксиз иш;

➤ битта мутахассислик ёки бир хил меҳнат шароитларида узлуксиз иш.

Стажда узилишлар бўлса

Ходим ишдан бўшаш ёки фоалиятнинг касб соҳасини ўзгартиришга қарор килса, у ҳатто кейин илгариги иш жойига қайттан тақдирда ҳам, ташкилот томонидан белгиланган имтиёзга бўлган ҳукуқни йўқотиши мумкин. Бунда компанияга ходим муайян вақт миқдоридан кечикмай қайтган тақдирда унинг учун барча кафолатларни сақлаш юзасидан қоиднади ёзib қўйишига ҳеч нарса ҳалал бермайди. Масалан – агар ишдан бўшаш ва янги меҳнат шартномаси ту-

зиш ўртасида 3 ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса ва ҳ.к.

Шу тариқа, узлуксиз меҳнат стажи, агар ходим қонунчилик даражасида ёки корхонанинг ўз маблаглари хисобидан локал тартибида белгиланган узлуксиз меҳнат стажи учун устамалар олиши лозим бўлса, ходимнинг меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорига таъсир кўрсатади.

Пенсия ва касаллик таътили пулини ҳисоблаб учун узлуксиз меҳнат стажи зарурми?

Пенсия ва вақтнча меҳнатга қобилиятсизлик нафасини ҳисоблаш учун узлуксиз меҳнат стажи аҳамиятта эга эмас.

Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажни ҳисоблаб чиқарища умумий қоидага биноан куйидагилар ҳисобга олинади:

➤ 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – фаолият тури, мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий сугурталгангандан ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари тўлаган бўлса (яъни «сугурта» стажи ҳисобга олинади);

➤ 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, агар меҳнатта ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун 37-м. «а» банди).

Бунда пенсия ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақи ишдаги танаффуслардан қатъи назар охирги 10 йилдаги 12-йиллик миқдоридан бўлсанда ҳар қандай кетма-кет 5 йил (пенсия учун мурожаат қўлганнинг танловига кўра) олинади.

Узлуксиз стаж, масалан, компания локал тартибида «ўзининг» пенсионерларига, яъни у ерда ёки муайян соҳада муайян йиллар миқдорида узлуксиз ишлаб олиши ходимлари учун ўз маблагларидан пенсияга устамалар ўрнатган тақдирда пенсия миқдорига таъсир кўрсатиши мумкин.

Вақтнча меҳнатга қобилиятсизлик нафаси миқдорини аниқлашадига умумий меҳнат стажи ҳам ҳисоб-китобга қабул қилинади:

➤ умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортик бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга нафаси иш ҳақининг 80% миқдорида тўлашади;

➤ умумий иш стажи 8 йилгача бўлган ходимларга – иш ҳақининг 60% миқдорида. Истисно – нафаси тўлашнинг анча имтиёзли шартлари белгиланган ходимларнинг алоҳида тоифалари (Низом 26-28 б., АВ рақами 1136, 8.05.2002 й.)

Ленара Хикматова,
«Норма» компаниясининг
меҳнат ҳукуки бўйича эксперти.

Қачон тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиш мумкин эмас

ФХХ шартнома бўйича ишлётган ходим билан бундай шартнома тузиш мумкинми? Агар, масалан, кассир ишга қабул қилинганд бўлса, лекин бундай шартномани имзолашни хоҳламаса, нима қилиш зарур? Уни шу асосда ишдан бўшатиш мумкинми? Агар хорхонада касаба уюшмаси кўмитаси мавжуд бўлмаса ёки жамоа шартномаси тузишмаган бўлса, тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартномалар тузиш мумкинми?

Вихалтер.uz илтимосига биноан саволларга «Норма» компаниясининг меҳнат ҳуқуқи бўйича эксперти Ленара ХИКМАТОВА жавоб берди:

— Бундай шартномаларни кўйидаги ходимлар билан тузиш мумкин:

- биринчидан, 18 ёшга тўлган;
- иккинчидан, бевосита ташкилотнинг пул ва товар қимматликлари билан муомала қиласди;


➤ учинчидан, шунга ўхшаш шартномалар тузишишга йўл қўйиладиган лавозимлар (ишлар) рўйхати остига тушадиган.

Ёзма равиша тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиш мумкин бўлган лавозимлар ва ишлар рўйхатини корхонанинг жамоа шартномасида белгилан, агар у тузишмаган бўлса — иш берувчининг касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи (масалан, меҳнат жамоаси кенгаши билан) билан келишилган бўйруғи билан тасдиқланг (МК 203-м. 3-к.).

Сиз ҳатто ходимнинг розилиги билан ҳам тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишингиз мумкин эмас (тузилган шартномалар ҳақиқий бўлмайди), башарти:

➤ тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиши мумкин бўлган ходимларнинг тоифалари рўйхати сизнинг жамоа шартноманинда мавжуд бўлмаси;

➤ ташкилотда жамоа шартномаси



тузишмаган ва касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи мавжуд бўлмаси.

— **Ходим ишга қабул қилинганидан кейин моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномани тузишини рад этимоқда. Уни шу асосда ишдан бўшатиш мумкинми?**

— Агар иш бевосита пул ёки товар қимматликлари билан муомала қилиш билан боғлиқ бўлса, ходим кейинчалик моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишини рад этишига ҳақли эмасдир. Рад этилган тақдирда меҳнат шартномасини меҳнат вазифаларини бузгандик учун бекор қилиш мумкин (МК 181-м. 1-к. 3-б.).



Агар бўлгуси иш (лавозим) тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишишни талаб этса, бунинг учун барча шартларга риоя қилинганд бўлса, бироқ номзод уни тузишини истамаса, сиз уни ишга қабул қилишини рад этишига ҳақлисиз.

Барча мулкчилик шаклидаги корхона, муассаса, ташкилот билан уларга саклаш, қайта ишлаш, сотиш (чикариб юбориши), ташиб ёки ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиш учун берилган қимматликларнинг сақланшини таъминламаганлик учун тўлиқ моддий жавобгарлик тўғрисида ёзма шартномалар тузиши мумкин бўлган ходимлар томонидан ўриндошлика амалга ошириладиган ёки бажариладиган лавозим ва ишларнинг тахминий рўйхати Меҳнат вазирлиги ҳайъатининг 2.04.1996 йилдаги 2/4-сон қарори билан тасдиқланган.

Тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартномани ёки дарҳол ишга қабул қилиш пайтида ёхуд кейинчалик, бундай зарурат юзага келганда тузишинг (МК 203-м. 2-к.).

— **Бухгалтер билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиши мумкинми?**

— Бухгалтерлар моддий жавобгар шахс ҳисобланishi мумкин эмас. Қондага кўра, улар тўғридан-тўғри пуллар ёки товарлар билан ишлашмайди. Бироқ бухгалтерга касса операцияларини юритишни, масалан, кассир вақтнча



моддий қимматликлар билан муомала қиливчи ходим билан меҳнат шартномасида у тегишили шартнома асосида тўлиқ моддий жавобгар бўлиши тўғрисидаги шартни көлишиб олинг. Бу кейинчалик ходим моддий жавобгарлик ҳақида шартномани имзолашни рад этиган тақдирда кўнгисизлукларни олдини олишга ёрдам беради. Агар у ишга қабул қилиш пайтида бундай шартга рози бўлган бўлса, у шартноманинг ўзини ҳам имзолаш шарт. Кейинчалик рад этишини бу ҳолда — ишдан бўшатишига қадар интизомий жазо қўллаган ҳолда, меҳнат вазифаларини бажармаслик деб ҳисоблаш мумкин (МК 181-м.). Бироқ меҳнат шартномасидаги тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шарт моддий жавобгарлик ҳақида шартнома расмийлаштирилмагунча ўз-ўзидан юридик кучга эга бўлмайди. Усиз ходим етказилган зарар учун умумий асосларда — ўзининг ўртacha ойлик иш ҳақи доирасида жавобгар бўлади (МК 201-м. 1-к.).

бўлмагандан ёки кассир штат бирлиги мавжуд бўлмагандан юлаш мумкин. Бу ҳолларда ташкилот бухгалтер билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишмаганда ёки дарҳол ишга қабул қилиш пайтида ёхуд кейинчалик, бундай зарурат юзага келганда тузишмаганда ҳақли. Бироқ бухгалтер лавозими бўйича эмас, балки фақат кассир лавозими бўйича мажбуриятларни бажарган ҳолда келтирган зарар учун тўлиқ жавобгар бўлади.

— **Ташкилотга тегишили автомобил ҳайдовчиси билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиши мумкинми?**

— Ўйлайманки, мумкин эмас. Масалан, ҳайдовчига юкни кузатиб борувчи экспедитор функцияларни юқлатилган тақдирда, у билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузишмаганда ҳақли.

Шу билан бирга, агар ҳайдовчи ИТХ содир этилишида айбор деб топилса, ташкилотта етказилган моддий зарарни

у — моддий жавобгарлик шартномаси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар, тўлиқ қоплаши керак (МК 202-м. 1-к. 5-б.).

— **Фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдағи шартнома асосида ишлётган ходим билан тўлиқ моддий жавобгарлик ҳақида шартнома тузиши мумкинми?**

— Йўқ, мумкин эмас. Меҳнат қонунчилигининг моддий жавобгарлик тўғрисидаги қоидалари фақат меҳнатга оид муносабатларга татбиқ этилади. ФХХ шартнома асосида ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) фуқаролик қонунчилиги нормалари билан тартибга солинади.

ФХХ шартнома бўйича ходим тақдирлигидан зарарни у билан тузишмаганда фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятдаги шартномага мувофиқ қоплайди. Бунинг учун кўшимча шартнома тузиш шарт эмас.